

Интервью: Уйимда Қуръоним бор

Image not found or type unknown



13:06 / 13.01.2020 3387

«Хабарингиз бор, «Hilol-nashr» нашриёти 2018 йилдан буён Қуръони Карим — Мусхафи шарифни нашр этиш ишларини бошлаган. Узоқ йиллар Ўзбекистонда Қуръон чоп қилинмаган, шунинг учун ҳам бунга эҳтиёж жуда катта эди. Умумий ҳисобда ҳозирги кунгача 75 минг ададда Қуръони карим чоп қилиниб, ўқувчилар қўлига етиб борди.

Бугун нашриёт томонидан яна 20 минг нусхада Мусхаф сотувга чиқарилди. Юртдошларимиз Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги жами ўнта дўкондан сотиб олишлари мумкин.

Жорий йил биринчи чорагида Мусхафи шариф яна 20 минг ададда, янги кўринишда сотувга чиқарилади. Ҳозирда чоп қилиш ишлари кетмоқда. У ҳозиргидан бироз кичикроқ кўринишда, янаям чиройли шаклда ўқувчилар қўлига етказиб берилади, иншааллоҳ», дейди нашриёт ходими Ёрқинжон

Ҳайдаров.

«Аллоҳга беадад шукр, шундай замонларга келдик»

«Ушбу китоб — каломи шарифни олганимдан жуда бахтиёрман. Аллоҳ барча мўминни ўзининг ихлос ва иймони билан мукофотласин. Доимо ният қилардимки, Аллоҳнинг каломини ўқисам, хатм қилсам, ўзимни бахтли деб ҳисоблардим», - дейди Қашқадарё вилоятидан келган юртдошимиз.

«Уйимизда бир дона Қуръонимиз бор эди. Беш яшар қизим билан Қуръонни галма-гал ўқишда қийинчиликка дуч келардик. Мана, бугун Қуръони Карим сотиб олдик ва энди қизим билан бир хил нусхадан ўқиймиз иншааллоҳ.

Ушбу Мусхафни нашр этишда хизмат қилган барчадан Аллоҳ рози бўлсин!» — дейди қизалоқнинг онаси.

Қизча эса, Қуръон берган Аллоҳга ҳамд бўлсин, унга сабабчи бўлганлардан рози бўлсин, дея бийрон сўзлайди.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Islom.uz портали таҳририяти